# ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

# БУЙРУҚ

Тошкент шаҳри "23" 06. 2020 й № 362

**Институтда 08.00.08 - "Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит" ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳонни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4958-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 304-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2016 йил 28 январдаги 220/2-сон қарори билан тасдиқланган "Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом"га ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 239/6-сонли қарори (Адлия вазирлигида 2017 йил 23 июнда 2764-1 рақами билан рўйхатга олинган) ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Белгиланган тартибда ариза билан мурожаат қилган ва рўйхати 1-иловада келтирилган таянч докторант ва мустақил изланувчиларга 08.00.08- "Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит" ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон топширишга рухсат берилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 10 ноябрдаги 244/4-сонли қарорига мувофиқ таркиби 2-иловада тасдиқланган комиссия томонидан 08.00.08 - "Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит" ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон ўтказилсин.
3. **Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор С.Меҳмонов** ҳамда комиссия раиси ва аъзоларига 08.00.08-"Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит" ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳонни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 10 ноябрдаги 244/4-сонли қарори билан тасдиқланган

дастур асосида ташкил этиш ва уни Низом талабларига мувофик ўтказилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

4. Малакавий имтиҳон 2020 йил 6 июль куни соат 11:00 да ректорат биносининг 209-хонасида онлайн шаклида ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

5. **Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи А. Пардаев** зиммасига:

5.1. Малакавий имтиҳон ўтказилишидан камида беш кун олдин малакавий имтиҳонни ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни ва малакавий имтиҳон ўтказилган санадан бошлаб беш иш куни ичида малакавий имтиҳонни ўтказиш натижаси тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тақдим этиш;

5.2. Малакавий имтиҳонларни муваффақиятли топширган таянч докторант ва мустақил изланувчиларга ўн кун муддатда “Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг иловасидаги шакл асосида гувоҳномалар тайёрлаб, уларни талабгорларга ўрнатилган тартибда топшириш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

6. **Ахборот технологиялари маркази бошлиғи Е.Ким** “Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тўғрисидаги Низом”нинг 10-бандига мувофиқ ушбу буйруқ имзолангандан сўнг уни бир иш куни ичида институтнинг расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

7. **Девонхона мудири Ф.Якубджанова** мазкур буйруқни 1 кун муддатда ижрочиларга етказилишини таъминласин.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Ректор в.в.б.** **А.Туйчиев**

**Тайёрлади:**
Илмий тадқиқотлар, инновациялар
ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш
бўлими бошлиғи А. Пардаев

**Келишилди:**
Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректор С.Меҳмонов

Ахборот технологиялари маркази бошлиғи Е.Ким

Юридик маслаҳатчи З. Кушаков

Тошкент молия институти ректорининг 2020 йил
“23” июн даги “362” - сонли буйруғига
1-илова

**Тошкент молия институтида**
**08.00.08-“Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон топширувчи талабгорлар рўйхати ва графиги**

| т/р | Ф.И.О. | Талабгорнинг иш жойи ва лавозими |
|---|---|---|
| 1. | Собиров Отабек Олимжонович | ТМИ мустақил изланувчиси |
| 2. | Муминов Рустамжон Рахимжонович | ДСҚ ҳузуридаги малака ошириш маркази мустақил изланувчиси |

Тошкент молия институти ректорининг 2020 йил
“23” июн даги “362” - сонли буйруғига
2-илова

**08.00.08- “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон комиссияси таркиби**

| т/р | Ф.И.О. | Иш жойи ва лавозими |
|---|---|---|
| 1. | Каримов Акром Аббасович | Тошкент молия институти, кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор, **комиссия раиси** |
| 2. | Тўйчиев Алишер Жўраевич | Тошкент молия институти, Ўқув ишлари бўйича проректор, иқтисод фанлари доктори, профессор, **комиссия раиси ўринбосари** |
| 3. | Рахимов Матназар Юсупович | Тошкент молия институти, кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент, **илмий котиб** |
| 4. | Пардаев Абдунаби Холиқович | Тошкент молия институти, бўлим бошлиги, иқтисод фанлари доктори, профессор, аъзо |
| 5. | Хотамов Комил Раббимович | Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор, аъзо |
| 6. | Мехмонов Султонали Умаралиевич | Тошкент молия институти, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, аъзо |
| 7. | Ибрагимов Ғайрат Артикович | Тошкент молия институти “Аудит ва молиявий таҳлил” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент, аъзо |